

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

717 «Актуарий малака сертификатини бериш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа
ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
17 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1725-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2007 йил 6 сентябрдаги 82-сон «Актуарий малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 1725, 2007 йил 10 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 41-42-сон, 423-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 13 июль,
101-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2017 йил 13 июлдаги
101-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Актуарий малака сертификатини бериш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқ муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ–618-сон «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман**:».

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

2. Низомда:

а) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ–618-сон «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ актуарий малака сертификатини бериш, амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиш ва бекор қилиш тартибини белгилайди.»;

б) 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги ва 46-банддаги «махсус ҳисоб рақамига» деган сўзлар «шахсий ғазна ҳисобварағига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси билан келишилган.

*Ўзбекистон суғурта бозори
профессионал иштирокчилари
уюшмаси бош директори*

Ф. ИМИНОВ

2017 йил 13 июль